

АФРОСИЁБ - САМАРҚАНДНИНГ ЭНГ ҚАДИМИЙ ЁДГОРЛИГИ

Сирочева Гулшода

Регистон ансамбли гид экскурсаводи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7437236>

Аннотация: Мазкур мақолада Самарқанднинг қадимий ёдгорлиги Афросиёб тарихи ва мазкур ёдгорликда олиб борилган археологик тадқиқод ишлари ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: Самарқанд, Афросиёб, ёдгорлик, мажмуа, реставрация, тарих, археология.

Археологик ёдгорликлар ва ундаги топилмалар муайян бир халқнинг ўтмиши, тарихи, маънавияти ва қадриятларини ўзида акс эттиради. Шу боис дунёнинг барча давлатларида археологик ёдгорликлар ва уларда қайд қилинган ноёб топилмаларни сақлаш ва келажак авлодга етказиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Юртимизда ҳам мустақиллик йилларида маданий ёдгорликлар, жумладан археологик ёдгорликларни сақлаш, ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Самарқанд шаҳрининг тарихий қисмидаги миллий маданий мерос объектлари тубдан қайта таъмирланиб, ҳудуд таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида мазкур ҳудуд 2001 йил ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига “Самарқанд – маданият чорраҳаси” номинацияси билан киритилган. Уч қисмга бўлинган ҳудудда жами 513 та моддий-маданий мерос объектлар жойлашган.

Самарқанд вилояти ҳудудида 1105 та археологик, 670 та меъморий, 37 та диққатга сазовор жой, 18 та монументал, 21 та мемориал, жами 1851 та моддий-маданий мерос объектлари мавжуд.

Робинжон, Чархинтепа, Учтепа (Нарпай тумани), Кўктепа (Пайариқ тумани), Қулдортепа (Ургут тумани), Арабтепа, Навбоғтепа (Самарқанд тумани), Тиллатепа, Бўритепа, Капсатоботтепа (Каттақўрғон тумани), Кумушкент, Суғуда (Оқдарё тумани), Мингтепа (Жомбой тумани) каби ёдгорликлар шулар жумласидандир.

Нуробод тумани Сазағон қишлоғида жойлашган антик даврга оид қалъа, Пастдарғом туманида жойлашган Қўрғонтепа, Нарпай тумани Кўприкбоши қишлоғидаги Лангартепа, Ёнариқ қишлоғидаги Ширинхотинтепа, Урғуч қишлоғидаги Қўштепа, Хўжакорсон қишлоғидаги Шўртепа, Пайариқ туманида жойлашган Қоровултепа ва унинг яқинида

жойлашган мозоркўрғон каби ёдгорликлар юртимиз, хусусан вилоят тарихининг нечоғлик узоқ ўтмишга бориб тақалишини ифодалаб турибди.

Археологик ёдгорликларни халқаро талабларга жавоб берувчи коди, бугунги ҳолатдаги фотосурати, топоплани, GPS координаталари, библиографияси ва каталогини яратиш чоралари кўрилмоқда.

Самарқанднинг энг қадимий ёдгорликларидан бири Афросиёб бўлиб, мазкур объект Самарқанд шаҳрининг шимолида жойлашган, майдони 219 га ни ташкил этади. Ушбу ҳудуд Самарқанднинг қадимий ўрни бўлиб, XIII аср бошида мўғуллар босқинидан сўнг харобага айланган. Афросиёбнинг ҳозирги вақтда ҳукмдор арки ва шаҳристони сақланган.

Шарқ алломаларининг асарларида Афросиёб “Ҳисори кўҳна”, “Қалъаи кўҳна” деган номлар билан маълум. Ҳозирги барчага маълум Афросиёб номи эса манбаларда XVII-XVIII асрлардан бошлаб учрайди. Ушбу ном халқ орасида “Шоҳнома” эпосининг қаҳрамони, Туроннинг афсонавий подшоҳи Афросиёб (Алп Эр Тўнга) номи билан боғланади.

Афросиёбни илмий жиҳатдан тадқиқ этишда дастлаб XIX аср охири - XX аср бошлари В.Л.Вяткин, кейинчалик, 1958 йилда ташкил этилган Самарқанд археологик экспедицияси фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, Самарқанд археологик экспедицияси томонидан шаҳарнинг пайдо бўлиши, шаклланиш ва ривожланиши тарихи, шаҳар фортификацияси, стратиграфияси, сув таъминоти, ҳунармандчилиги, ободончилиги ва шаҳарнинг атрофдаги қишлоқлар билан алоқалари кенг қамровли тадқиқ этилади. 1988 йилдан Афросиёбда ўзбек-француз халқаро қўшма экспедицияси иш бошлади.

Ҳозирги вақтга олиб борилган тадқиқотлар шаҳарнинг қадимги давридан тортиб, то мўғуллар босқинигача бўлган тарихи ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлиш имкониятини яратди. Жумладан, археологик қазишмалар жараёнида аниқланган моддий маданият намуналари шаҳарни бундан 2750 йил олдин пайдо бўлганлигини кўрсатди. 1965 йилда дунёга машҳур Вархуман саройи деворий суратлари топилган бўлса, 2000-2004 йилларда қорахонийлар даврига оид деворий суратлар аниқланади. Ушбу деворий суратлар Сўғдиёна тасвирий санъатининг нақадар юксак бўлганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Йиллар давомида Афросиёбда олиб борилган қазишмалар жараёнида аниқланган кулолчилик, заргарлик буюмлари, тангалар ва бошқа моддий маданият намуналари юксак маҳорат, дид билан яратилган бўлиб, улар Самарқанд тарихи музейида сақланиб келинмоқда.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Пугаченкова Г.А. Очиқ осмон остидаги музей. Т., 1981.
2. Зоҳидов П. Самарқанд меъморлик мактаби (19-20 аср бошлари) Т., 1965.
3. Бартольд В.В. История Самарқанда при Тимуридах. Соч., том 6, М, 1966.
4. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Ўзбекистана, Т., 1959.
5. Шишкин В.А., Афрасияб - сокровищница древней культуры, Т., 1966.